Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 5-fevral. Seshanba • 14 (31.604) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИГА МУВОФИҚ ТАРЗДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, АЙНИҚСА, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА МОС ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА ЯНАДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН.**

**БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БУ МУҲИМ ВАЗИФАГА ЖИДДИЙ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ «2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ» ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ФАОЛ ШУҒУЛЛАНИШИ, ДЕПУТАТЛИК ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА КУЧАЙТИРИБ БОРИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

# УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИГА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

**Илгари хабар берилганидек, «Reuter Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро нашри — «Project Finance International» Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганди.**

2013 йил 30 январь куни Лондонда «Project Finance International» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Кореянинг «Kogaz», «Lotte Petrochemicals» компаниялари ва «Uz-Kor Chemicals» қўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди.

Нуфузли «Хилтон Парклейн» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ва юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.

Тақдирлаш маросимини очар экан, «Project Finance International» PFI нашрининг бош муҳаррири лойиҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳаси илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.

Тадбир ташкилотчилари, сўнгги йилларда кузатилаётган жаҳон молия бозорларидаги беқарорлик ва юқори даражали ноаниқликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг суверен кафолатисиз 2,54 миллиард доллар миқдоридаги кредит маблағларининг жалб этилиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар «ўзбек модели»нинг юқори самарадорлигидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция киритишга интилиши ва қизиқиши ортмоқда. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда ўз соҳасининг етакчи халқаро компаниялари иштирокида лойиҳавий молиялаш асосида кенг кўламли саноат лойиҳаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш битимига берилган ушбу юксак мукофот етакчи халқаро инвестицион банклар, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг эътиборини ўзига кенг жалб қилди. Уларнинг вакиллари тантанали маросимда Ўзбекистоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга ошириладиган янги йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

**(ЎзА)**

Ижтимоий ҳимоя

**Обод турмуш йили Нукус шаҳридаги «Қызкеткен» маҳалла аҳолиси учун қувончли воқеа билан бошланди. Яқинда «Шуҳрат» савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

# САВДО МАЖМУАСИ ИШГА ТУШДИ

Мажмуада 100 кишига мўлжалланган чойхона, озиқ-овқат дўкони, нон ва қандолат маҳсулотлари цехи, шунингдек, миллий ва замонавий либослар тикиш цехи мавжуд. Мазкур иншоот «Ўзсаноатқурилишбанки» Қорақалпоғистон ҳудудий филиали томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит эвазига барпо этилди. 7 мингга яқин аҳоли яшайдиган ушбу ҳудудда ишга тушган бу савдо шохобчаси кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: дастурий вазифалар ижроси



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ

**партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олмазор туманидаги «Гуручариқ» маҳалла фуқаролар йиғинида **«2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ва унда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашда ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг иштироки»** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши ва ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

*(Давоми 2-бетда.)*

БИЗ БАРПО ЭТАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ

*мақсади ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишдир*

⇨ 2

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

⇨ 4



ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ

*она ва бола саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади*

⇨ 4



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

*тўлиқ бажарилсагина фаолиятимиз самарали бўлади*

**ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

⇨ 2

Долзарб мавзу

## УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ:

# СИФАТ, НАРХ ВА ҲАЖМ

*ёки тамаддихоналардаги хизмат сифати ва уларга қўйиладиган талаблар хусусида*

**Инсон ҳаёти овқатланиш билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир киши қандай овқатланиш кераклиги, энг асосийси, ўзи истеъмол қилаётган овқатларнинг сифати қанақалиги ва меъёрига эътибор бериши зарур.**

Бугун бири биридан кўркам, муҳташам тамаддихоналар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Улардаги таомномалар ҳам ранг-баранг. Европа таомларидан тортиб, миллий таомларимизнинг тур-туригача муҳайё. Бироқ уларнинг нархи, сифати ва ҳажмида анчагина фарқ борлиги истеъмолчиларнинг ҳақли савол ва эътирозига сабаб бўлмоқда.



➔ 3

ЎзХДП ҳаётидан

**ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Юртимизда обод турмуш тарзини шакллантиришда ЎзХДПнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

# МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ

*юрт ободлиги демакдир*

Унда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда маслаҳатчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида Обод турмуш йилида маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, бу борада ЎзХДП ташкилотлари олдида турган вазифалар ва уларни амалга оширишда аҳамият қаратилиши зарур бўлган тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Таъкидландики, турмушимизни янада обод қилишнинг муҳим шарти — бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир. Шу боис унинг таъсирчанлиги, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Сўзга чиққанлар партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича самарали иш олиб борилаётганини қайд этди.

Бу борадаги ишларни янада тизимли ташкил қилиш ва маҳалла билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# БИЗ БАРПО ЭТАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ

## *мақсади ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишдир*



**Абдуманноб РАҲИМОВ,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

**Инсон ҳаётга бир марта келади, ҳамма ҳам бахтли-саодатли яшашни орзу қилади. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг бош мақсади бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратиб беришга қаратилганини ҳисобга олсак, инсонпарвар жамият қураётганимиз яққол намоён бўлади.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида белгиланган вазифалар инсон манфаати йўлидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқади.

Маърузада 2012 йилда эришилган ютуқлар таҳлил этилиб, жорий йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари белгиланди. Бу устувор йўналишлар мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамай, 2012 йилда мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди, макроиқтисодий мутаносиблик сақлаб қолинди, аҳоли ҳаёт даражаси ўсди ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги позициялари мустаҳкамланди.

Албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши республикамизда кўплаб янги, юқори ҳақ тўланадиган ҳамда доимий иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Бу, айниқса, бизнинг партиямиз электорати бўлган вақтинча ишсиз кишилар, шунингдек, кам таъминланган оилалар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилаяпти.

Маърузада янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Бу Ўзбекистон ХДПнинг дастурий устувор мақсадларини амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унда 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари амалий иштирокини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ўз вақтида очилишига эришиш, ушбу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масалани ҳал этишда Ўзбекистон ХДПнинг иштирокига оид тегишли қарор қабул қилинди.

**Жорий йил хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ташкил этишни ривожлантириш, мазкур масалаларда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйишда партиямиз фаоллари ва депутатлари олдида долзарб вазифалар турибди.** Чунки, шунинг ҳисобидан бу йил 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилганини эътиборга олсак, қўйилаётган масала партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамият касб этишини изоҳлашга зарурат қолмайди, албатта.

Давлатимиз раҳбари **ҳар бир фуқарога муносиб иш ўрни яратиш, уларнинг меҳнатига юқори маош тўлаш, бунинг учун ҳар бир соҳада йўл қўйилаётган сусткашлик ва камчиликларни бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг ички ва янги имкониятларидан самарали фойдаланиш, мутасаддиларнинг жавобгарлиги ҳамда масъулиятини ошириш** зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳар биримиз бу вазифа аҳамияти ва моҳиятини чуқур тушуниб олишимиз, мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида куч-ғайратимиз ҳамда билимимизни аямаслигимиз талаб этилади. Ободлик учун курашиб яшаш ҳисси юксалиши, халқимизнинг ижтимоий бирдамлиги ошиши фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

## *тўлиқ бажарилсагина фаолиятимиз самарали бўлади*

Унда партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таҳлил этилди. Бу борада олиб борилган ишлар юзасидан депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар, Обод турмуш йилида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

Йиғилишда қайд этилдики, Ҳаракат дастури асосида халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи «Жиззах шаҳрида аҳоли ўртасида йод танқислиги касалликларининг олдини олиш», Ғаллаорол туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида», Янгиобод ва Мирзачўл туманлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, қишлоқ тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» каби масалаларни ўрганди ҳамда доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессияларда муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Йиғилишда мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш бўйича жойларда қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ахборотлар тингланди.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича изчил ва аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди **халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Шодмонқулов.** — Хусусан, ҳудудимизда бу борада олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича туман Кенгаши сессиясига масала киритилди. Жорий йилда замонавий лойиҳа асосида тиббиёт бирлашмаси биносини барпо этиш режалаштирилди.

— Бугунги ҳаёт сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳлари зиммасига катта вазифалар юкламоқда, — дейди **халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Эргаш Жўрабоев.** — Шундан келиб чиқиб, электоратимиз манфаатини дадил ҳимоя қилишимиз, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатиш зарур. Бор куч ва имкониятларимизни партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни самарали бажаришга қаратиб, ижтимоий фаровонлик, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини янада оширишга эришишимиз зарур.

Йиғилишда, шунингдек, айрим туманлар Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари ўз зиммасидаги вазифаларни ҳалигача тўлиқ англамаётгани ва суст фаолият кўрсатаётгани танқид қилинди. Хусусан, Зомин, Бахмал, Пахтакор ва Дўстлик туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ўтган йили амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ижросига етарли эътибор қаратмади. Ҳудудларда ечимини кутаётган ижтимоий масалалар, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш бўйича етарли ташаббус кўрсатмаётир. Мазкур депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Ҳаёт ХИДИРОВ**

ЎзХДП: дастурий вазифалар ижроси

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ

## партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади







Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси учун партия электорати манфаатларига мос келувчи аниқ таклифлар ишлаб чиқиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар туманларида турли ишлаб чиқариш тармоқлари, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари муҳокама қилинди. Шу муносабат билан 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросида ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг асосий вазифалари таҳлил қилинди.

— ЎзХДПнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш орқали ёшлар, хотин-қизлар, жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳамда вақтинча иш ўрнига эга бўлмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Боймурод ЮСУПОВ.** — Бу вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши жамоатчилик назорати кучайиши билан бевосита боғлиқ. Шу боис, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқилишида шаҳар партия ташкилотлари ва шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг амалий иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Демак, депутатларимиз ва фаолларимиз истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш бўйича фаол иш олиб боришлари зарур. Шунда партиямиз электорати вакилларини иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаёти фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

— Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида Тошкент шаҳрида жорий йил давомида 81 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган, — дейди **Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Жасур Кулмуҳаммедов.** — Бу эса ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун қўшимча янги иш ўринлари яратиш демакдир. Биргина Тошкент шаҳрида кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан 50 мингдан ортиқ, касаначиликнинг барча шаклларини яратиш ҳисобидан 8 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Аммо шуни айтиш керакки, жойларда иш ўринларига эҳтиёж ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сонининг мутаносиблигини изчил назорат-таҳлил этиб бориш лозим. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид маҳаллий дастурларнинг шакллантирилишида депутатлик гуруҳи ҳаётий таклифлар билан фаол иштирок этиши талаб этилади.

Шу билан бирга, 2012-2013 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг доимий бандлигини таъминлаш, корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузиш ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаларини мунтазам ташкил этиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси хусусида фикр юритилди.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини такомиллаштириши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиши, ёшларни кафолатланган иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада кучайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда сўнгги уч йил давомида партия фракцияси ташаббуси билан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси юзасидан парламент эшитувлари ташкил этилмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Ҳожибеков.** — Ушбу йўналишда мақсадли назорат-таҳлил ишлари олиб борилиб, мазкур қонун лойиҳаси учун аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзХДП учун яна бир муҳим жиҳат, Меҳнат кодексининг 84-моддасига киритилаётган ўзгартишга асосан таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Шунингдек, 239-моддага киритилаётган ўзгартиш билан олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида битирган ва биринчи марта ишга кираётган ёшларга ҳам шундай имконият яратиб берилаётгани партия электорати манфаатлари ҳамда дастурий мақсадларига тўла мос келади. Зотан ёшларни бу борада янада қўллаб-қувватлаш ва соҳага оид қонунчиликни ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДПнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш орқали ёшлар, хотин-қизлар, жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳамда вақтинча иш ўрнига эга бўлмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди.**

**Меҳнат кодексининг 84-моддасига киритилаётган ўзгартишга таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Шунингдек, 239-моддага киритилаётган ўзгартиш билан олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида битирган ва биринчи марта ишга кираётган ёшларга ҳам шундай имконият яратиб берилаётгани партия электорати манфаатларига тўла мос келади.**

2013 йил — Обод турмуш йили



**Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилаётган Юнусовлар оиласига барча ҳавас қилади.**

Оила бошлиғи Рустам Юнусов болалигидан спорт билан шуғулланган. Шундан бўлса керак, у икки қизи — Мавзода ва Хушрўйнинг спорт тўгаракларига қатнашишини қўллаб-қувватлади. Хитойдаги Ушу халқаро академиясида таҳсил олиб қайтган қизлар республика миқёсида ўтказилган кўплаб мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. Бугун Мавзоданинг ҳисобида турли чемпионатларда қўлга киритган 23 та медаль бор. Шунингдек, у уч марта Ўзбекистон кубоги ғолиби, ушу бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Хушрўй эса шу кунгача 14 та медаль олган. Опа-сингилларнинг келажакда орзулари кўп. Улар жаҳон ареналарида ўз маҳоратларини кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Мен фарзандларим билан фахрланаман, — дейди **спортчи қизларнинг онаси, ЎзХДП фаоли Замира Юнусова.** — Улар оиламиз, маҳалламиз, шаҳримиз, мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилишмоқда. Спорт билан шуғулланган бола, энг аввало, соғлом, иродаси мустаҳкам бўлади. Юртимизда болалар спортига берилаётган эътибор туфайли яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Бунда биз, ота-оналар, биринчи навбатда ўрнак бўлишимиз керак.

**Муродбек ЗИЁ олган сурат.**

Долзарб мавзу

# УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ: СИФАТ, НАРХ ВА ҲАЖМ

## ёки тамаддихоналардаги хизмат сифати ва уларга қўйиладиган талаблар хусусида

### Овқатингиз пулингизга ярашами?

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг берган маълумотига кўра, ўтган йили Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига келиб тушган 9523 та шикоят ва аризаларнинг 2000 дан ортиғи умумий овқатланиш ва савдо-сотиқ соҳасига тегишли бўлган. Ушбу мурожаатларнинг аксариятида истеъмолчилар баъзи ошхона, кафе, бар ва ресторанларнинг санитария-гигиена қоидалари талабларига тўла жавоб бермаслиги, ходимларнинг муомала маданияти пастлиги, назорат-касса чекларининг берилмаслиги, хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатиш шартларига риоя этилмаслиги, тавсия этиладиган тайёр таомлари порциялари ва нархларнинг аниқ кўрсатилмаганлиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда овқатларнинг ҳажмига нисбатан ҳам эътирозлар билдирилган. Шу билан бирга, уларда хўрандаларга ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш тартиб-қоидаларига амал қилинмаётганлиги, таомларнинг ярим ёки бутун порцияларида қанча граммдан маҳсулот бўлиши кераклиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги маълум қилинган.

Фарғона шаҳар марказида жойлашган «Тожмаҳал» ресторанида байрам тадбирини ҳамкасблари билан нишонлаётган Адҳамжон Умаралиев официантга қўшимча равишда нонга буюртма беради. У нон ассортиси учун олдиндан 3 минг сўм тўлашни талаб қилади. Ноннинг турли хилларидан кесиб тайёрланган ассортининг нархи таомномада 2500 сўм қилиб кўрсатилган эди. Лекин эътироз тан олинмади, буюртма олиб келинмади. Истеъмолчи Фарғона шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига қўнғироқ қилади.

— Тушган мурожаатни ўрганганимизда истеъмолчининг шикояти ўринли эканлигига гувоҳ бўлдик, — дейди жамият раиси Бахтиёр Эралиев. — Бундан ташқари, нархи 2500 сўмлик нон ассортисида оқ ва қора нонларнинг ҳар бири 6 та бўлак, ёпган нон ва батон ноннинг ҳар бири 5 та бўлак, жами 22 та нон бўлагини ташкил қилиши керак бўлса-да, улар орасида батон нони умуман йўқлиги ҳам аниқланди. Сабаби суриштирилганда, изоҳландики, уни ҳали пишириб улгурмаган эмиш. Шундан сўнг, ресторан ошхонасидан келтирилган намуна сифатидаги нон ассортиси билан меҳмонлар дастурхонига қўйилган нон бўлаклари солиштирилди. Истеъмолчиларга берилган ассортидаги нонлар намунадагидан икки баробар кичик, ниҳоятда юпқа кесилганини кўриб, нима дейишга ҳам лол қолдик. Ушбу ҳолат юзасидан маълумот мутасадди идорага тақдим этилди. Афсуски, ҳамма фуқаро ҳам А.Умаралиевга ўхшаб истеъмолчилик ҳақ-ҳуқуқи учун курашмайди. Энг ёмони, кўпчилик умумий овқатланиш жойларидаги таомларнинг ҳажмига оид тартиб-қоидаларни билмайди. Бу эса уларнинг чўнтагига ортиқча сарф-харажат бўлиб тушаверади. Биргина нон ассортисининг ҳам



нархи, ҳам сони, ҳам ҳажмидан уриб қолаётган муассаса ходимлари бошқа таомлардаги маҳсулотлардан ҳам шу йўсинда «тежамкорлик» қилмаётганига ким кафолат беради? Бундай муассасалар кам дейсизми?

— Тушлик қилиш мақсадида пойтахтимиздаги «Файз» кафесига бордим, — дейди Юнусобод тумани 6-мавзе, 21-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Мавлуда Сотиволдиева. — У ердан порцияси 6500 сўм турадиган паловдан ярим порцияга буюртма бердим. Таом анча кеч келтирилгани етмаганидек, унинг ҳажми ҳам озлиги кўриниб турарди. Энг ёмони, гўштнинг нохуш ҳиди димоғимга урилди. Шундай бўлса-да, ундан татиб кўрдим, умуман истеъмолга яроқсиз экани маълум бўлди. Бу ҳақда менга хизмат кўрсатаётган официантга айтгандим, у эътирозимни тинглагиси ҳам келмади. Шундан сўнг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига мурожаат қилдим.

Ушбу ариза жойида ўрганилганда, ҳақиқатдан ҳам истеъмолчининг ҳақлиги ва унга кўрсатилган хизматлар сифатсизлиги маълум бўлди. Кафе ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида Чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талаблари тушунтирилди. Шу билан бирга маълумот мутасадди идораларга тақдим этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Жиноят кодексига мувофиқ, инсон ҳаёти ва соғлигига зиён келтирувчи таомлар, кулинария маҳсулотлари сотиш, нархларни асоссиз равишда ошириш, маҳсулотларни нотўғри тортиш ёки хизматлар кўрсатилмаслиги, хўрандага касса чеки, квитанция, счётлар беришдан бош тортиш, маҳсулотнинг миқдори, вазнини текшириш имкониятини яратишдан ва уларни сифатлисига алмаштириб бериш ёки пулини қайтариб беришдан бош тортиш ҳолатларида савдо-сотиқ қоидалари бузилган ҳисобланади ва бунинг учун масъул шахсларга жавобгарлик белгилаб қўйилганини таъкидлаб ўтмоқчи эдик.

### Таомлар ҳажми ва устама нархи

Хўш, умумий овқатланиш муассасаларида таомларнинг нархи ва ҳажмига қўйиладиган талаблар мавжудми? Улардаги нарх-наво қандай шакллантирилади? Ушбу саволларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасига мурожаат этдик.

*— Умумий овқатланиш корхоналари турли категорияларга, яъни ресторан, кафе, ошхона, чойхона, меҳмонхона, тўйхона ва бошқа шу каби муассасаларга бўлинади,* — **дейди уюшма раиси Акбар Умаров.** — *Ҳар бир муассаса категориясига қараб, номи белгиланади ва шунга қараб истеъмолчиларга ўз хизматларини таклиф этади. Қоида бўйича тамаддихоналарга олиб келинган тайёр маҳсулотларнинг устига 50 фоиздан 100 фоизгача устамалар қўйилиб, истеъмолчига сотилиши мумкин. Ундан ортиқ нарх қўйилмайди. Баъзи бир ресторанлар 100 фоиздан ортиқ устама қўйиши мумкин, агарки хизматлари ҳам энг юқори даражада бўлсагина, бунга рухсат этилади.*

*Ошхоналарда таомларга сотиб олинган масалliқлар нархидан 50 фоизгача устама нарх қўйилиши лозим. Чунки, ошхоналарда таомлар олдиндан тайёрланиб қўйилади, буюртма асосида овқат пиширилмайди. Кафеларда эса ярим тайёр таомлар бўлиб, буюртма қилингандан сўнг тайёрланиши ҳамда унда официантлар хизмати ҳисобга олинган ҳолда нархи ошхонанинг нархига нисбатан қимматроқ бўлади. Кафе маъмурияти ушбу масаллиқлар нархига нисбатан 100 фоизгача устама нарх қўйишлари жоиз. Никоҳ ва бошқа маросимлар ўтказиладиган тўйхона эгаси буюртмачи билан келишган ҳолда 50 фоиздан 100 фоизгача устама ҳақ олиши мумкин. Ресторанларда 200 фоиздан 300 фоизгача устама қўйилиши назарда тутилган. Боиси, унда маҳсулотлар буюртма қилингандан сўнг тезда сифатли қилиб тайёрланишида бир нечта ошпазларнинг иштирок этиши ҳамда бир неча нафар официант хизмат кўрсатиши инобатга олинади.*

*Энди хўрандаларни қизиқтираётган таомларнинг ҳажми бўйича тўхталамиз. Масалан, шўрвада, қоидаги кўра, бутун порция 300 грамм бўлиши керак. Аммо бу тамаддихоналарнинг категориясига қараб белгиланади. Яъни, ошхоналарда, қоида бўйича, порцияси 300 грамм (190 грамми гўшт ва сабзовотлар, 110 грамм қайнатма) бўлиши лозим. Кафеда эса, ошхонадан фарқли ўлароқ, порция 280 граммни (200 грамм гўшт ва сабзавотлар, 80 грамм қайнатма) ташкил этади. Ресторанларда совуқ ва иссиқ газакларнинг аввал дастурхонга тортилиши эвазига порция 250 граммни (гўшт ва сабзавотлар — 180 грамм, қайнатмаси — 70 грамм) бўлади. (Бу ҳажм, тамаддихоналарда фақатгина шўрва ёки суюқ таомнинг ўзи истеъмол қилинмасдан унга қўшимча равишда турли хил салатларга ҳам буюртма берилиши ҳисобга олиниб, 300 грамм бўлиши белгиланган).*

*Бир сўз билан айтганда, барча овқатланиш муассасаларида тайёрланаётган суюқ таомларнинг қайнатмаси (суви) 60 фоизни, ичидаги масаллиғи 40 фоизни ташкил этиши керак. Ҳар бир тамаддихонада таомларга қанча граммдан масаллиқ ишлатилгани тўғрисида маълумотнома хўрандаларга кўринадиган жойда бўлиши шарт.*

### Ресторанми, тўйхонами?

Кези келганда, бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчи эдик. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ресторанлар эрталабдан кечгача ишлаши талаб этилади. Ҳозирда вилоятларда ҳам тепасига «Ресторан» номи ёзилган бинолар кўпайиб бормоқда. Лекин улар фақатгина тўй ва бошқа маросимларга хизмат қилади. Қолган вақт ишламайди. Буюртмачидан эса ресторан нархида пул олинади. Назаримизда, уларни ўз номи билан «Тўйхона» деб номлаш керак. Чунки улар ресторанга қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Агарда ҳақиқий ресторан номи билан ўз фаолиятини бошласа, маълум нафар одамни доимий иш билан таъминлайди, шу билан бирга тушган фойдадан давлатимизга солиқ ҳам тўлайди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Биз ушбу мақолада хўрандаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, улар тўлаётган пулига яраша яхши, сифатли таомлар истеъмол қилиши лозимлиги тўғрисида фикр юритдик, холос. Тўй ва бошқа маросимлар ўтказиладиган муассасаларнинг номи борасида ҳам муаммоли ҳолатлар борлиги боис, унга ҳам қисман тўхталдик. Дарҳақиқат, умумий овқатланиш шахобчаларида, айниқса, «Кафе» деб аталган овқатланиш масканларида овқатлар сифати, хизмат кўрсатиш маданияти, санитария-гигиена масалаларида муаммолар оз эмас. Тадбиркорликка берилаётган эркинликни суиистеъмол қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Эҳтимол, бу камчиликлар келиб чиқишига назоратсизлик ҳам, муросасозликлар ҳам сабаб бўлаётгандир? Кафе ва ресторанлар кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, текширувчилар, назоратчилар холис бўлишлари ва кўпчилик манфаатини, аниқроғи, истеъмолчи манфаатини устун қўйиши лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу масала бўйича газетхонлар ва мутахассислар фикрини кутамиз.*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хориж

# 1 ИЮЛДАН ЭЪТИБОРАН

## мажбурият кучга киради

**Франциядаги барча дўконлар, турли идора ва ташкилотлар, қисқаси, истиқомат қилиш жойларидан ташқари барча муассасалар маъмуриятлари электр энергиясини тежаш бўйича янги мажбуриятни зиммаларига олди ва бу мажбурият жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан кучга киради, дея хабар беради «France-Presse» АА.**

Мажбурият моҳияти шундан иборатки, муассасаларда тунги соат бирдан кейин барча ички ва ташқи ёритиш воситалари ўчирилиши шарт.

Одамлар истиқомат қиладиган ва кўп тўпланадиган жойлар, яъни кўп қаватли уйлар, ресторанлар, меҳмонхоналар бундай мажбуриятдан мустасно. Кўчаларни ёритиш масаласи ҳам одатдагидек амалда сақланиб қолади. Шунингдек, сайёҳлар ташриф буюрадиган манзиллар ҳам тунда чароғонликни йўқотмайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, шу йўл билан бир йилда иқтисод қилиб қолинган электр қуввати 2 триллион киловатт-соатни (мамлакат бўйича йил давомида ишлатилган умумий электр энергиянинг 0,4 фоизига тенг) ташкил қиларкан. Бу 750 мингта уйни йил давомида ёритиш имконини беради.



2012 йилда Франция 490 триллион киловатт-соат энергия сарфлаган.

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

# БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда инсон, унинг манфаати ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган ислоҳотларда барча молия муассасалари қаторида, «Қишлоқ қурилиш банк» ҳам фаол иштирок этаяпти. Бугунги кунда, банк ўзининг 42 та филиали ва 272 дан ортиқ шахобчаси орқали 330 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахс мақомидаги мижозларга кенг кўламли молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.**

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг соф активлари ҳажми 1637,6 млрд, сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йил давомида ушбу кўрсаткичнинг 35 фоизга ўсиши таъминланди.

Банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда. Бунда йирик корпоратив мижозлар билан яқиндан ҳамкорлик ўз самарасини бериб, банкнинг кредит қўйилмалари ўтган йил бошига нисбатан 155,2 фоизга ёки 504,1 млрд. сўмга ошиб, жорий йил 1 январь ҳолатига 1420,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва инвестицион жараёнлардаги иштирокни янада кенгайтириш борасидаги муайян ишлар самараси ўлароқ ўтган йил давомида банк томонидан жами ажратилган кредитлар миқдори 838,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази тижорат банклари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида ўтган йили ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танлови натижаларига кўра ғолиб чиққан 15 та коллеж битирувчиларининг жами 140,7 млн. сўмлик лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш учун «Қишлоқ қурилиш банк» сертификатлари топширилди.

Эътиборлиси, ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлари йил бошига нисбатан 60,8 млрд. сўмга ортиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига 238,8 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 7 757 та иш ўрни яратилди.

Банк филиаллари томонидан 2012 йилда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 57,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга 2012 йил бошидан жами 34,4 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, олий ўқув юртларига контракт тўлови асосида ўқишга қабул қилинган ёшларга 2,6 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга эса 2,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни, шу жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 25,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Мамлакатимизнинг йирик молия институтларидан бири сифатида банкнинг ўз инвестицион фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги тадбирлари ҳам самарали бўлиб бормоқда. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадларига 110,6 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди.

2012 йил якунларига кўра, саноат соҳасида 32,5 млрд. сўмлик, қишлоқ хўжалигида 11,1 млрд. сўмлик, транспорт ва коммуникация соҳасида 17,9 млрд. сўмлик, қурилиш соҳасида 21,8 млрд. сўмлик, моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 16,7 млрд. сўмлик ҳамда бошқа секторларда фаолият юритувчи субъектларнинг 10,6 млрд. сўмлик лойиҳаларига инвестиция кредитлари ажратилди.

Мухтасар айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг янада равнақ топиши, мижозларга хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

**Банк матбуот хизмати**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

***2013 йил 7, 14, 28 март ва 4, 11 апрель кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлари қўйилмоқда:*

| № | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1 | «HORAZM GILAMLARI» МЧЖ | Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй. | Жамият уставида гиламлар ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш белгиланган | 100 % | 46 847 814 300,0 | 24 165 797,12 |
| 2 | «LINPLAST» МЧЖ | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудуди. | Жамият уставида қурилиш маҳсулотлари ва халқ истеъмол молларини турлари бўйича ишлаб чиқариш белгиланган | 100 % | 8 427 313 000,0 | 4 347 112,86 |
| 3 | «KINDER FRUITS» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй. | Жамият уставида болалар таомларини ишлаб чиқариш белгиланган | 100 % | 13 969 673 000,0 | 7 206 062,62 |

**Очиқ аукцион шартлари:**

Очиқ аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ аукцион савдоларининг ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа ҳаражатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилининг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «HORAZM GILAMLARI» МЧЖ улуш бошланғич нархнинг 2 фоизи миқдорида, «LINPLAST» МЧЖ улуш бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида, «KINDER FRUITS» МЧЖ улуш бошланғич нархнинг 3 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланиши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«а»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк) — телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31

Савдо ташкилотчиси — телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Таълим ва ислоҳот

# ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ



**Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини Қашқадарё вилоятидаги чет тили ўқитувчилари ва чет тилини чуқур ўрганаётган ўқувчи-ёшлар кўтаринки руҳ билан кутиб олди.**

Вилоятдаги 1118 та умумтаълим мактабида 2500 нафарга яқин чет тили ўқитувчиси, жумладан, 1600 нафардан зиёд инглиз тили, 600 нафарга яқин немис тили, 200 нафардан ортиқ француз тили ва 7 нафар испан тили ўқитувчиси дарс бермоқда. Улар орасида ўз касбини ардоқлаб ҳамкасбларига намуна бўлаётган тажрибали ўқитувчилар талайгина. Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг немис тили ўқитувчиси Зулфия Қиёмова ана шундай фидойи педагоглардан бири.

У ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга узоқ йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиқиб, немис тилини чуқур ўргатиш бўйича илмий изланишлар олиб боряпти. «Менинг биринчи немис тили дарсим», «Алифбо», «Немис тили фанидан тестлар тўплами», олий ўқув юрти талабалари учун 4 тилдаги рангли расмли луғатлар ҳамда ўқитувчилар учун «Lehrerhandbuch» услубий қўлланмаси шулар жумласидандир. Зулфия Қиёмова таълим-тарбиядаги намунали хизматлари ва ижодий изланишлари учун «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган.

— Қарор биз ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди у. — Бугунги ёшларимиз орасида чет тилини мукаммал биладиганлар, жаҳон адабиёти намуналарини аслиятдан таржима қиладиганлари, ўзлари ҳам инглиз, немис тилларида ижод қилаётганлари кўп. Биз ўқитувчилар бундай ўқувчиларнинг чет тили фанига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаб боришимиз керак.

— Инглиз тилига жуда қизиқаман, — дейди **Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Жаҳонгир РАВШАНОВ.** — Бу тил орқали дунё мамлакатларининг тарихи, маданияти ва санъатини ўрганиш ниятим бор. Она тилидан ташқари, бир-неча тилларни билиш бугунги куннинг талабидир.

**Музаффар ТУРОПОВ**

Спорт

**Наманагандаги «Паҳлавон» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги Осиё — Океания минтақаси биринчи зонасидан жой олган Ўзбекистон — Хитой терма жамоалари баҳси ўтказилди. Уч кун давом этган учрашувларда моҳир ракеткачилар Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Сарвар Икромов ҳамда Темур Исмоиловлар юртимиз шарафини ҳимоя қилди.**

## Дэвис кубоги:
## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ — 4:1

Мусобақанинг илк кунида етакчи теннисчимиз Денис Истомин Ди Вуга қарши кортга чиқди. Дастлаб ҳамюртимиз кетма-кет икки партияда рақибига бир хил — 4/6 ҳисобларида имкониятни бой берган бўлса, учинчи партиядан бошлаб ўз устунлигини ҳисобда (7/6 (4), 7/5, 6/2) намойиш этди.

Мамлакатимизнинг иқтидорли ракеткачиси Фаррух Дўстов ҳамда Зе Жанг учрашуви мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсларидан бири сифатида алоҳида аҳамиятга молик эди. Агар унда вакилимиз ғалаба қозонса, руҳий устунлик тўлиқ теннисчиларимиз томонига ўтиб кетарди. Шу боис, мазкур ўйин барчанинг диққат марказида турди ва у қарийб икки соат давом этди. Унда Фаррух ишончли ғалабани қўлга киритди — 3:2 (4/6, 7/6 (8), 6/4, 3/6, 6/4).

Мусобақанинг иккинчи кунида мухлислар жуфтлик учрашувларига гувоҳ бўлишди. Унда Фаррух Дўстов/Денис Истомин жуфтлиги Мао Син Гонг/Же Лиларга қарши кортга чиқди — 3:0 (6/3, 7/6, 6/3). Бу натижа ҳамюртларимизнинг амалда хитойликлар устидан ғалабасини таъминлади.

Қолган икки учрашув эса шунчаки расмиятчилик учун ўтказилди. Шу боис, мураббийларимиз унда ёш теннисчиларимизга имконият беришди. Сарвар Икромов — За Жанг «дуэли»-да ҳамюртимиз рақибини енгган (2:0 (6/3, 7/5) бўлса, ўн саккиз ёшли Темур Исмоиловга бироз тажриба ва маҳорат етишмади. У Ди Вуга қарши кечган учрашувда икки сетда ҳам имкониятни бой берди — 0:2 (0/6, 2/6).

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда (4:1) хитойликларни мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Энди ракеткачиларимиз навбатдаги учрашувларда Австралия теннисчиларига қарши кураш олиб борадилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

**ОБ-ҲАВО 05-06 – 02. 2013**

Юртимиз бўйлаб (°C)

| Ҳудуд | Тун | Кундуз |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -3 / -8 | -3 / +2 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / +3 | +5 / +10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -2 / +3 | +5 / +10 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -2 / +3 | +5 / +10 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -2 / +3 | +2 / +7 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -2 | +5 / +7 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +3 / 0 |
| Париж | +5 / +4 |
| Москва | -7 / -4 |
| Мадрид | +5 / +2 |
| Пекин | -7 / -6 |
| Рим | +5 / +6 |
| Токио | +6 / +1 |
| Кейптаун | +15 / +14 |
| Вашингтон | -1 / -2 |

Саломатлик — обод турмуш гарови

**Бугунги кунда мамлакатимизда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустаҳкам оила йилида Бухоро шаҳрида барпо этилган вилоят перинатал марказини ана шу ғамхўрликнинг тимсоли десак хато бўлмайди.**

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ

*она ва бола саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади*

Айни пайтда вилоятда фертил ёшидаги аёллар сони 786 минг нафарни ташкил этади. Барча шаҳар ва туманларда туғруқ комплекслари мавжуд. Перинатал марказ яқин-яқингача вилоят ихтисослашган туғруқ комплекси базасида фаолият юритиб келарди. Эндиликда эса жаҳон андозаларига жавоб берадиган, юқори технологияли тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган марказ иш бошлади. Акушерлик, перинатал, неонтал ва гинекологик хизматларни ўзида мужассам этган ушбу мажмуа 100 ўринга эга стационар бўлим ва консультатив поликлиникадан иборат. Маслаҳат-ташхис поликлиникаси, репродуктив саломатлик маркази ҳам шу мажмуа таркибида иш олиб бормоқда.

— Муассасамизнинг бошқа туғруқ комплексларидан фарқли жиҳати шундаки, унда чақалоқлар реанимацияси, патологияси, физиологияси бўлимлари фаолият олиб бормоқда, — дейди марказ директори вазифасини бажарувчи Насиба Баҳронова. — Шунингдек, биз туғилганига бир ой бўлган чақалоқларни ҳам даволаш учун қабул қиламиз. Биз нафақат ҳомиладор аёлларга, балки қизларга ҳам тиббий хизмат кўрсатамиз.




Бундан ташқари, марказда кўп функцияли стационар рентген ва кўчма рентген аппаратлари ҳам мавжуд бўлиб, улар кўмагида беморни ўрнидан қўзғатмай туриб, палатанинг ўзидаёқ зарур таҳлилларни олиш мумкин. Кардиомонитор ускунаси эндигина дунёга келадиган чақалоқнинг аҳволини аниқлаб беришда қўл келмоқда. Қолаверса, кардиотопограф аппарати онанинг юрак уришини, ҳомиланинг ҳолатини ойнадек акс эттириб беради ва шифокорга даволаш ишларини самарали олиб бориш учун қулайлик туғдиради. Бир сўз билан айтганда, марказ она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом фарзандлар дунёга келишига хизмат қилмоқда.

**Моҳигул ЎКТАМОВА**

# БИЛИМЛАР СИНОВИ




Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

*Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Сиз тарихни биласизми?» ва «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган анъанавий кўрик-танлов ўтказилди. Танловга қадар ўқувчилар юртимизнинг бой тарихига оид китобларни ва ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб, ҳар бир синф ўз деворий газетасини чиқарди. Ўқувчилар танловда саволларга пухта жавоб қайтариб, ҳайъат аъзоларининг таҳсинига сазовор бўлди.*

*— Ўқувчиларнинг юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, шунингдек, ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда тарих ва ҳуқуқ фани ойлиги ўтказиб келинмоқда, — дейди тарих фани ўқитувчиси Гулчеҳра Абдиева.*

*— Мазкур танловда ҳам ўқувчилар синфлараро беллашишди ва ғолиб бўлган синф ўқувчилари туман миқёсида бўладиган танловга йўлланма олишди. Муҳими, бу танлов ўқувчиларнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари бўйича билимларини мустаҳкамлаши билан бирга уларда ватанпарварлик туйғусини оширишга ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.*

**Альбина ЖУМАНОВА**

Реклама

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**«Асака» банк (ОАЖ) Бухоро вилояти филиали**

*қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:*

«Асака» банк (ОАЖ) Бухоро вилояти филиалига тегишли бўлган Қоракўл тумани, Улуғбек кўчасида жойлашган ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** 1 565 359 340 сўм (ҚҚС билан), 1 304 466 120 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** — 90 кун.

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** «Асака» банк (ОАЖ) Бухоро вилояти филиали.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд шоҳ кўчаси, 168/В-уй.
Тел/факс: (8-365) 223-11-15.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада ўтказилади.

**Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает:**

20 февраля и 7 марта 2013 года в 12.00 часов по адресу город Нукус, улица А.Темура, дом 129а проводиться открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу автотранспортные средства принадлежащие Государственному таможенному управлению Республики Каракалпакстан:

— «Нексия GLE», 1999 года выпуска, гос номер 95/791 GAA. Начальная цена — 6 723 863 сум.

— «Нексия», 1999 года выпуска, гос номер 95/795 GAA. Начальная цена — 6 488 323 сум.

**Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 во все дни кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.**

**Адрес: г.Нукус ул. А.Темура, дом 129а.**
**Телефоны для справок: 8(361) 222-55-84.**

Удостоверение №006388

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан Шайхонтоҳур тумани Г-34 кўчаси халқ ҳунармандлари растасидаги 18-дўкон эгалари Х.Ходжаева, Д.С Ходжаева, З.Қ Ходжаева, Д.Қ. Ходжаевага тегишли 10-474/2011 реестр рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳаётхон Ортиқбоевага онаси **МЕҲРИНИСО ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
19991 nusxada bosildi.
Nashr ko'rstkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 22.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5